

Халқ сўзи

Ўзбекистон
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 17 май, № 95 (4248)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, "...юртимизда ҳар томонлама мустақкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда. Аммо бундай ўта муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳали ечилмаган масалалар, бартафат эътиш зарур бўлган кўпгина муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим. Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлагани ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда".

Мамакатимизда 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ПК-573-сонли Қарори қабул қилинганлиги ҳам давлатимиз бошлиғи томонидан илгари сурилган вазифаларнинг бағоят долзарблиги ва алоҳида аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис Сенатининг Қонуничилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ташкил этган давра сўхбати "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари" деган мавзуга бағишланди. Тадбирда фуқаролар давлат пенсия таъминотининг мавжуд ҳуқуқий базасини янада такомил топтириш масалалари атрофида муҳофаза этилди, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ равишда амалга оширилатганига айтиб ўтилди. Мазкур қонунда давлат пенсияларининг ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси сингаги турлари белгиланган.

Иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилганлиги натижасида бизда Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга



йўланаётган харажатлар ҳақи йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳуқуқат ҳар йили махсус қарорлар қабул қилинмоқда.

Давра сўхбати иштирокчилари ўз нутқларида давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини бажаришнинг долзарб вазифаларини, юқорида зикр этилган қонунни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил этишга, шунингдек ижтимоий ҳимоя ҳуқуқини илмий жиҳатдан ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Шу билан бирга тадбир иштирокчилари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш вазифаларини инобатга олган ҳолда давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини

такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратдилар, бу борада жўяли фикр-мулоҳаза ва аниқ тақлифлар билдирдилар.

Фикр алмашув яқунлари асосида иштирокчилар "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишга беvosита қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Давра сўхбати иштирокчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институти, манфаатдор вазирлик ва идора-лари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги худудий таркибий бўлиминининг, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



Пойтахтимиздаги "Умид" болалар спорт мажмуасида бир кунда 700 нафарга яқин йигит-қиз ўндан ортик спорт тўғрақларига маҳоратларини ошироқдалар. Айниқса, футбол, бадий гимнастика, синхрон сузиш, велоспорт каби тўғрақларга қизиқиш катта.



СПОРТГА МЕҲРИ БАЛАНД БОЛАЛАР

Эндилликда кўча ва хиёбонларда эмас, замонавий спорт мажмуаларида маҳоратларини ошироқдалар

— Асосий мақсадимиз ёшларда спортга меҳр уйғотиш, — дейди мажмуа директори Анварбек Набиев. — Комплексимиз ишга тушган пайтларда болаларни жалб этолмай кийналардик. Ён атрофдаги мажмуалар ахли, ота-оналар билан тушутириш ишлари олиб борилди.

Шукри, бугунга келиб, талабгор кўплигидан махсус жадал асосида машғулотлар ўқатишга мажбур бўляпмиз. Олиб борилган ишлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Масалан, ёш баскетболчиларимиз Қашқадарда ўқатилган "Умид ниҳоллари—2006" мусобақа-

ларида чемпионликни қўлга киритди. Кикбоксингчиларимиз орасидан ҳам жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари етишиб чиқди.

2002 йили Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамла-

катада спортни оммалаштириш йўлида катта қадам бўлди. Эндилликда спорт ҳар бир Ўзбекистонлик боланинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши учун хизмат қилмоқда.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон: Жадал суръатли Тараққиёт

Туркиянинг миллий хавфсизлик соҳасидаги стратегия тадқиқотлар маркази («ТУСАМ») раҳбари Али Кюлебий Туркияда чоп этилган «Жумҳурият стратегия» газетасида эълон қилинган таҳлилий мақола-да ўқувчилар эътиборини Ўзбекистоннинг тарихий ва замонавий тараққиёти мавзусига қаратади.

«Бугунги Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръат билан ривожланиб бормоқда, — деб ёзади эксперт. — Бой табиий захираларга эга бўлган мамлакат уларни қайта ишлаш билан бирга саноатнинг турли тармоқларини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият қаратамоқда. Бундан ташқари, ўз навбатида, иқтисодий кўрсаткичларда акс этмоқда-ки, сўнгги олти йилда мамлакат янги ички маҳсулотда саноат улушининг 14,2 фоиздан 22,1 фоизгача ўсгани фикримизнинг исботидир».

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ҳусусида тўхталар экан, А.Кюлебий кўпмаъраза мутахассислар ва минтақани «дунёнинг маркази», дея таърифлашга эътибор қаратади. Муаллиф Шарк ва Фарни бир-бирига боғлаб турувчи улкан империяни бунёд этишда буюк давлат арами ва саркарда Амир Темурнинг хизматларини алоҳида қайд этади.

Сохибироннинг шахарсозлик, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳўнармандчилик, йўл қурилиши тараққиётига катта эътибор қаратганига уруғ берган ҳолда туркиялик эксперт кўйиндагиларни ёзади: «У ҳўқронлик даврида Сохибирон Самарқандни — ўлкан империянинг пойтахтини — дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бирига — Шарк дурдонасига айлантирди. У ўз мамлакатига замонасининг энг машҳур ҳўнарманд ва мейморларини, олиму мутафаккирларини тақлиф этиди. Амир Темур ўз халқ тарихини жуда яқин билар ва уни юксак баҳолар эди. У диний ҳўмаю кидди, илм-фанни рағбатлантирди, маданият ва санъатни ривожлантирди, туркий тилини кенг тарғиб этишга ҳар томонлама имконият яратди.

Ўзбекистон минтақанинг маданий ва диний марказидир. Мамлакатда қадимий ша-

ҳарлар билан бир қаторда Имом ал Бухорий, Имом Мо-туридий, Абдуҳалиқ Гўждувоний, Баҳавуддин Нақшбандий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғилоний, Имом Термизий каби буюк мутафаккирларнинг мақбара ва ёдгорлик мажмуалари жойлашган. Шунингдек, Тошкентда Куръон қаримининг жаҳондаги энг қадимий нусхаларидан бири бўлган Усмон Куръони сақланади.

1997 йилда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қайта тикланган Хоразм Мамвун академияси Ўзбекистонда илм-фанини ўрганиш, буюк аҳждоқларнинг беқийс меросини тиклаш ва араб-авайлаш ишига катта эътибор берилганидан далолатдир. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқро Ислам ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши эса ўзбек халқининг диний қадриятлар ва бой маданий меросини тиклаш ва кўз қорчиғида араб-авайлашдаги улкан хизматларининг халқро эътибори бўлди».

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этар экан, А.Кюлебий мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг мавжуд захиралардан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг истикболли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга қиришганини таъкидлайди.

«Республика 2007 йилга катта иқтисодий ютуқлар билан кириб келди, — деб ёзади муаллиф. — Бинобарин, 2006 йилда хорижий сармоя ҳақи 3 миллиард 150 миллион АҚШ долларини ташкил этиди. Иқтисодиётда экспорт ва олтин-валюта захира-ларининг салмоқли ўсиши кузатилди. Утган йили янги ички

маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Бу, энг аввало, саноат ишлаб чиқариши ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга имкон берди. Иқтисодий ўзгаришлар ва ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида янги ички маҳсулотда саноат улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 2006 йилда 22,1 фоизгача олди. Хизматлар улуши эса 30 дан 39,5 фоизгача кўпайди».

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ўзи учун етарли даражада ишлаб чиқарадиган дунёдаги санокли мамлакатлардан бири эканига тўхталиб, туркиялик эксперт республика раҳбариятининг бу соҳада юритилган самарали сиёсати тўғрисида мамлакатимизда пахта, ғалла, мева ва सबзавот маҳсулотларини етиштириш ҳақида йилдан-йилга кўпайиб бораётганига уруғ беради. «Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда Ўзбекистонда экспорт ҳақи ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йилда бу кўрсаткич 31,5 фоизга олди, бу 2000 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир», — дейди у.

Мақола сўнггида муаллиф республикамизнинг иқтисодий истикболлари ҳусусидаги фикрлари билан ўртоқлашган. Унинг ёзишича, тўри йўлни танлаб олган Ўзбекистон ўтган йиллар мобайнида кўпмаъраза соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу эса, ўз навбатида, сармоявий муҳитни яқшилаш, давлатнинг иқтисодиётга ара-лашувини чеклаш ва ҳусусий сектор олдида турган тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган иқтисодий ислохотлар жа-равинини ички давом эттириш-га имкон бермоқда.

«Сармоявий муҳит, банк-молия ва коммуникация тизимларининг энг юксак халқаро андозалар талабига тўла мос келиши, ҳусусийлаштириш жарафини ниҳоясига ет-казиш Ўзбекистоннинг келгу-си тараққиёти учун ҳаётий аҳамият касб этади», — дея хулоса қилади Али Кюлебий.

Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА

БУГУНГИ НИҲОЛ — КЕЛАЖАҚДА ЧИНОР

Бугун Ўзбекистон ёшлари жаҳон майдонида ўз ўрнига эга. Улар турли халқро анжуманларда иштирок этиб, ўзбекининг ақл-заковати, куч-қудрати ва маънавий камолотини намойиш қилмоқдалар.

Ангрэн компьютер ва ахборот технологияси касб-ҳўнар коллежининг учинчи курс талабаси Илхом Ниъматуллаев ҳам ана шундай ёшлардан бири. У ўзининг факулдада қобилияти билан ажралиб туради. Илхом 2006 йилда Алмати шаҳрида бўлиб ўтган халқро математиклар

Ифтихор


олимпиадасида қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлган эди. Сўнгра мактаб ўқувчиларининг дастурлаштириш бўйича VII Бутгроссия олимпиадасида ярим фи-

налида интернет орқали қатнашиб, учинчи ўринни қўлга киритди.

Илхомнинг ушбу ғалабалари унинг «VII Колмогоров ўқишлари» деб номланган халқро илмий конференцияда қатнашишига замин яратди. Айтиб ўтиш керакки, жорий йилнинг 5-8 майданида уюштирилган мазкур тадбир мактаб ва коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, 2000 йилдан бунён Москва давлат университетиди мун-

тазам ўтказиб келинмоқда. Ифтихор қилса арий диган томони шунки, Илхом етти йил давомида Ўзбекистондан қатнашган биринчи вакилдир.

Унинг «Математик анализ усулларини детерминантлар назариясига таъбиқлари» деб номланган маърузаси олимлар ва мутахассислар томонидан юксак баҳо-



ланди. У юртимизга учинчи ўрин ва бронза медали билан қайтди. Ташкилий қўми-

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ИСЛОХОТЛАР САМАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Илгари хабар қилингандек, Тошкентда «Демократик ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзусида халқро конференция бўлиб ўтди. У Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Ҳиндистоннинг Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди. Анжуманга кўпмаъраза мамлакатлардан ушбу масалалар билан шуғулланувчи сиёсатшунослар ва экспертлар таъриф бурорди.

Анжуман иштирокчилари Тошкент яна бир бор демократик қурилиш ва дунёда, жумладан Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги каби замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўли-ча очик мулоқот ўтказила-диган жойга айланганини қайд этдилар. Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, бу Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамо-лигида амалга оширилган бераётган самаралар билан боғлиқ. Мазкур ўзга-ришларни ички ва бо-шиқма-бошиқ амалга олиш-нинг тажрибаси эса демократик ҳамият қуриш йўлидан бераётган бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хоржий экспертлар Президент Ислам Каримовнинг геосиёсий ёки бошқа мақсадларда демократияни «экспорт» қилишга қар-

ши сиёсатини тўлиқ кўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ж.Маршал номидидаги Хавфсизлик муаммолари ўрганиш бўли-ча Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертулибнинг фикрича, айнан Ўзбекистон биринчи бўлиб бундай макорона демократлаштиришнинг салбий оқибатларини англаб етди ва собик шўро худудидида «рангли инқилоблар» тўлиқини тўхтатиб қолди. Чунки, бундай харақатлар замирида демократия, де-моқратик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш широнини ниқоб қилиб олган, аввало, жаҳонда ўз мафқураси ва таъсирини ўтказишга, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги катта миқдордаги энергетика ресурсларини ва уларни қайта тақсимлаш имконияти-ни қўлга киритишга инти-лаётган айрим кудратли давлатлар, қулчлар ва мар-

(Давоми 2-бетда).

Фильм қаҳрамонлари мухлислар ҳузуриди

Бугун Самарқандда «Ўзбек Миллий кино санъати» қўнлари очилади

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Самарқанд вилоят ҳўқимлиғи томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланади. Кино санъати қўнларида Самарқанд шаҳри ва туманларидаги кино-театрларда 20 та бадий

фильм, 17 та ҳужжатли фильм намойиш этилиши режалаштирилган.

Бу йилги кино санъати қўнларининг олдингиларидан фарқи шундаки, актёрлар ва режиссёрлар олис туман ва қишлоқларга бориб, мухлислар билан учрашувлар ўтказишади. Тад-

бирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов бошчилигидаги Гулчехра Саъдуллаева, Мелис Абзалов, Едгор Саъдиев каби таниқли актёрлар иштирок этишади.

Абдурусул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2007 йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда инвестицияларнинг ўсиш суръати 36,4 фоизни ташкил этди.

Бу аввалги йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 8 баравар кўпдир.

Утган ойлари ичида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қулмай муҳит яратилгани ва тезкор мониторинг ўрнатилгани капитал қўйил-маларни жадал ўзлаштириш имконини берди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий миқдори 131,1 миллион долларга өтди.

Сўнгги соатда БАА — Ўзбекистон 0:2

Кеча Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси «Пекин—2008» Олимпиадаси гуруҳ босқинидаги навбатдаги саралаш учрашувини сафарда Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши ўтказди.

Ғалаба ҳар иккала жамоа учун муҳим бўлгани сабабли учрашув мурасисиз курашларга бой бўлди. Чунки, гуруҳда Жанубий Корея олимпиячилари мuddатидан олдин кейинги босқин йўлнамасини қўлга киритганди. Иккинчи йўллама учун Ўзбекистон ва БАА футболчилари асосий даъвогар ҳисобланишарди.

Учрашувда Шавкат Саломов ва Фарҳод Тожиевлар томонидан киритилган голлар ҳамюрт-ларимизнинг кейинги босқинга чиқиш имкониятини оширди.

З. ЖОНИЕВОВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Ҳозирги кунда 50 минг нафарга яқин ўзбекистонлик ёшлар тазквондо (ИТФ) билан мунтазам шуғулланишди. Юртимиз тазквондочиларидан Алла Ким, Фахриддин Умаров, Акмал Эргашев жаҳон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, 30 нафарга яқин ёшларимиз Осиё майдонларида шоҳсупанинг юқори погонасидан жой олишган.

Бугун пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида тазквондонинг ИТФ йўналиши бўйича II анъанавий "Амир Темур" кубоги учун халқаро мусобақа бошланди. Унда ўзбекистонлик спортчилар билан бирга, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби ўнга яқин мамлакатдан 200 нафарга яқин 11-16 ёшли "қора белбоғ" соҳиблари бўлган ўсмирлар ва қизлар ўз омадларини синаб кўрадилар. — Апрель ойида Словенияда Халқаро тазквондо федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди, — дейди республика тазквондо (ИТФ) миллий ассоциацияси техник комиссияси раиси Ф. Умаров. — Йилгилида 2008 йил ёшлар ўртасидаги VIII, фахрийлар ўртасидаги III жаҳон чемпионатлари мезбонлик қилади-дан давлат номи тасдиқланди. Аҳамиятисиз, саккиз давлат ичидан Ўзбекистоннинг номзоди бир овоздан маъқулланди. Бу юртимизда спорт соҳасида амалга оширилган ишларга яна бир эътирофдир.

ЯРИМ ФИНАЛГА БИР ҚАДАМ

Японияда футбол бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритгани ҳақида хабар бергандик.



17 май кўни чорак финал учрашувида футболчиларимизга Тожикистон терма жамоаси рақиб бўлади. Шунингдек, Эрон — Австралия, Япония — Таиланд, Қирғизистон — Ливан терма жамоалари ҳам ярим финал йўлланма учун майдонга тушадилар.

«ИСТИҚЛОЛ»ДА СПАРТАКИАДА

Эртага пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида ўзбек футбол фойдиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган I республика ногиронлар спорт ўйинларига старт берилди.

«Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида ташкиллаштирилган мазкур мусобақа Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, «Нур» ногирон тадбиркорлар ассоциацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Мусобақада иштирокчилар футбол ва волейбол бўйича ўзаро беллашадилар. Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад, ногиронлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортимиз жонқярларини тарғиб қилишдан иборат.

ж. зиёдуллаев.

БУ САФАР ЧЕМПИОН БЎЛАМАН

— дейди Фарғона политехника институти талабаси Оксана ПОРУБАЙ


— Бундан уч йил аввал Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада — 2004» мусобақаларида ҳам қатнашгандим, — дейди сузиш бўйича Фарғона вилоят терма жамоаси аъзоси Оксана Порубай. — Ушанда 300 метрга сузиш бўйича бронза, 50 метрга сузиш мусобақаларида эса кумуш медалга сазовор бўлгандим. Бу сафар эса, «Универсиада»да фақат олтин медал учун баҳс юритаман. Машгулотларни асло бўшаштиривганим йўқ. Қатор турнирларда катнашиб, соврийли ўринларни эгалладим.

Дарҳақиқат, Фарғона политехника институти спортчи талабалари вилоят терма жамоасининг негизини таш-

кил этди. «Универсиада-2007» мусобақалари дастуридан ўрин олган 12 спорт туридан 5 тасида вилоят шарафини шу институт талабалари химоя қиладди. Институт раҳбарияти талаба-спортчилар учун барча шароитларни яратиб беришган. Тайёргарлик ишлари махсус режа асосида олиб борилаяпти.

Футбол, белбоғли кураш, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича эса Фарғона давлат университети талабалари вилоят шарафини химоя қилишди. Мазкур бил- мил юртида ҳам ўқув-тайёргарлик машгулотлари қизгин давом этмоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



СПОРТГА МЕҲРИ БАЛАНД БОЛАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида болалар спортини ривожлантириш, кичкинтойларимизни спорт машгулотларида жалб қилишдан қўланган мақсад соғлом турмуш тарзи орқали миллият генофондини соғломлаштиришдир. Қолаверса, спорт болани чинқитиради, унда ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Масалан, бугун юрт фахрига айланган боксчи Элшод Расулов ёки сузиш спорти устаси Мафтунабону Тухтасиновани олайлик. Иккаласи ҳам болалар

спортда маҳоратини оширган. Мафтунабону 11 ёшида спорт устаси талабини бажарди, Дохада ўтган Осиё ўйинларида ҳам иштирокчи бўлиб барчанинг олқишига сазовор бўлди. Элшод Расулов Осиё ўйинлари финалида анча таълим олган бўлган Олимпиада ўйинлари чемпиони мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Улар ўқиш ва жа-

моат ишларида ҳам тендошларига ўрнэк бўлмоқдалар. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот хизматидан олинган маълумотларда қайд этилишича, биргина ўтган йилда мамлакатимизда манзилли дастур асосида 164 та спорт иншоотлари фойда-

ланишга топширилди. Шулардан 137 таси, яъни 85 фоизи қишлоқ жойларда эканлиги аҳамиятлидир. Умуман, 2003-2006 йилларда жами 543 та спорт мажмуалари қурилди. Улар босқичма-босқич жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Албатта, янги-янги мажмуаларда болажонларимиз спортнинг кўлаб турлари билан шуғулланаётганлиги барчамизни қувонтиради. Ўтган йили спорт билан мунтазам шуғулланувчиларнинг 38 фоизини 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 2 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатади.

Жорий йилда манзилли дастур бўйича республика- мида 174 та спорт мажму-

лари қурилиши кўзда тутилган. Бу қилларда қоптоқ қулаб юрган болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилади дегандир.

Табиийки, болалар спортга бунчалик эътибор замирида катта мақсад ётибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек «Фарзандлари соғлом юрт қурадилар, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлади».

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚҮРБОНБОВ олган суратлар.

УНИВЕРСИАДА — КИЧИК ОЛИМПИАДА



Мамлакатимиз талаба ёшларининг жисмоний ва маънавий етуқлиги кўриги бўлган «Универсиада» мусобақаларининг биринчисига бундан етти йил аввал Наманган шаҳри мезбонлик қилганди. Вилоят аҳли спорт байрамининг ҳаяжонли таассуротларини ҳамон фахр билан эслаб юради.



«Универсиада-2000» мусобақалари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган наманганликлар учунгинакам омад эшикларини очган экан. Эндиликда вилоят спортчилари ўз маҳоратларини халқаро миқёсдаги йирик беллашуларда ҳам дадил синаб кўришмоқда. Масалан, ўшанда белбоғли кураш бўйича ғолиб Рустам Умаров ўтган қисқа вақт ичида икки бор жаҳон чемпиони бўлиб улгурди. Боксчи Тўлашбой Дониёров эса Афина Олимпиадасида қатнашиб қайтди. Дзю-до бўйича мамлакат чемпиони Аюб Камолов, теннисчи Мадина Аюпова каби ўнлаб ёшларнинг катта спортга кириб келишига универсиада ўйинлари пойдевор бўлгани шубҳасиз.

Бугун вилоят спортчи ёшлари Тошкентда ўтаётган «Универсиада-2007» баҳсларига астойдил ҳозирлик қилишди. 4 олий ўқув юртида ташкил этилган саралаш ўйинларида иштирок этган тўрт мингдан ортиқ талаба орасидан энг маҳоратлилари танлаб олиниб, 139



ўйингоҳларда тобланишди. Ҳам унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишди. — Универсиада дастурига киритилган 12 та спорт тури

олти мураббийнинг бари танилган мутахассислар. Масалан, Равил Вишняков сузиш бўйича олий тоифа эгаси. Машрабжон Маҳмудов ва Александр Лян футбол ва кўл тўпининг хақиқий усталари. Шогирдлардан ҳам кўнгли тўқ, машгулотларнинг ҳар дақиқаси-

талабаларимиз ўртасида жуда оммалашган, айтмоқчи-мақки, уларда кўчини синашга ишонган йигит-қизларимиз етарли, — дейди Наманган Давлат университети педагогика факультетининг жисмоний маданият йўналиши раҳбари Шурхатжон Мирзамаҳмудов. — Мақсадимиз, биринчи универсиадада эришган кўрсаткичларимизни такрорлаш.

Кўпчилик талаба ёшлар ўз спорт анжуманларини кичик олимпиадага тенглаштиришди. Бу фикрга қўшилса бўлади. Чунки, халқаро беллашуларда юртимиз шарафини мардона химоя қилаётган чемпионлар аксариятининг истеъдоди айни шу мусобақаларда чарчланмапти. Табиийки, уларнинг яқин кўнларда бошланадиган навбатдаги универсиададан ҳам умиди катта.

Қудратилла НАЖМИДОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларини (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчилари) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шахридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкадор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шахрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

РОССИЙСКИЙ ЛИНОЛЕУМ

Обои ВИНИЛОВЫЕ

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.

Махсулот сертификатланган

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-75, 361-40-90. Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳуқуқдош рақимий вақиди бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг. дан 4000 кг. гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, sanoat моллари қаторидаги 1-дўкан. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесиган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР!

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 ноябрдаги 15-0603/12810-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида жойлашган

«ТЖМ Деларос» корхонасининг тугатиш бошқаруви корхонага қарашли бўлган «Электрод» шўъба корхонасининг

189 500 213 (бир юз саксон тўққиз миллион беш юз минг икки юз ўн уч) сўмга баҳоланган мулкни Фарғона вилояти Фарғона шахридаги «Фар ким ошди савдо инвест» масъулияти чекланган жамияти қошида ўтказиладиган «Ким ошди савдо»сига комплекс тарзда чиқарилганлигини маълум қилади.

«Ким ошди» савдосида иштирок этишни хоҳлаган шахслар қуйидаги телефонларга мурожаат этишлари мумкин: 224-31-24 «Ким ошди» савдоларини ўтказувчи «Фар ким ошди савдо инвест» масъулияти чекланган жамияти, 640-45-45 корхонани тугатиш бошқаруви.

Газетанинг 3-4- саҳифалари бепул илова қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибиат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 1,30 Тоширилли — 2,15 1 2 3 4 5